



ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معارف

1931-yildan chiqa boshlagan

2003-yil 23-avgust, shanba

№ 68 (7573)

SO'NGGI
UCH KUN
MUJDALARI

ISHONCH
YORLIQLARI
TOPSHIRILDI

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovga 22 avgust kuni Oqsaroyda Rossiya Federatsiyasining mamlakatimizda Favqulodda va Muxtor elchisi etib tayinlangan Farit Muxametshin, Latviya Respublikasining mamlakatimizda Favqulodda va Muxtor elchisi etib tayinlangan Igors Apokins hamda Malayziyaning O'zbekistondagi Favqulodda va Muxtor elchisi etib tayinlangan Mohd Zain bin Abu Bakarlar ishonch yorliqlarini topshirishdi.

QAROR

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Boshqaruvi xodimlari sonini tartibga solish va ularga sarflanadigan xara jatlarni maqbullashtirish chora-tadbirlari to'g'risida 8 banddan iborat qarori qabul qilindi.



Куни кече республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказida, республика хотин-қизлар кўмитаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Мустақиллик байрами

муносабati билан "Истиқол қизлари – юрт истиқболи" республика анжуманини ўтказди. Унда асосан, Зулфия номидаги мукофot соҳибалиари, "Ниҳол" мукофotи гоилилари,

бир қанча давлат даражасидаги стипендия ва кўкрак нишонларига эга бўлган қизларимиз катнашдилар.

(Давоми 3-бетда)

Бундан 12 йил муқаддам мен — эндиғина 12 ёшга қадам қўяётган, ҳали "оқу-қора"нинг фарқини тўла англаб етмаган болакай қизиқ бир мунозаранинг устидан чиқсан эдим. Уерда катталар мустақиллик, мустабидлик, эрк, зулм каби менга ҳали нотаниш сўзлар устиди баҳсласишиар эди. Мен ўшанда бу гаплардан деярли ҳеч нарса англаганим йўғу, аммо гап кейинги вақтларда СССР республикалари тарқаб



ги гапларнинг моҳиятини суриштира бошладим. Бироқ ҳеч қандай нарса билолмадим. Тўғри-да, ўзим катори тенгдошларимдан катталарнинг-да акли етиб-етмайдиган мавзу ҳақида нимаям билиш мумкин.

Лекин қизиқиш барibir устун келаверди, шу боис бу ҳақда ўқитувчиларимиздан сўрашга аҳд қилдим. Ҳаммаси кечагидек эсимда. Ўша куни 1 сентябрь эди. Биз мак-

рингизни юртимизнинг мустақил бўлганилиги билан муборакбод этаман. Мана қаранг, халқимизда худо берса қўшалаб беради, деган мақол бор. Бир томондан кечагина мустақиллигимиз эълон қилинди, бошқа бир томондан Билимлар куни, кўша байрамимиз деган ва биз ўқувчиларга мустамлака нимаю мустақиллик нима эканлиги ҳақида тушунча берган эди. Шундан сўнг биз мустақиллик ҳақидаги тушунчани бизга дарс бериш учун кирган бошқа домлалардан ҳам мустаҳкамлаб бордик. Бу тушуниш, англаш жараёни мактабдан сўнг университетда ҳам давом этди.

БОБОЛАР ҲАВАС ҚИЛГАН ЁРҚИН КЕЛАЖАК

ёхуд хурриятнинг хур замони

кетади, деган мавзу хусусида кетаётганини илғагандек бўлган эдим.

Бола каби эшитган гапига қизиқадиган, унинг кетини суриштирмагунча тиниб-тинчимас халк ҳеч жойда бўлмайди. Ўша куни болаларча қизиқиш билан дарҳол тенгдошларимдан юқорида-

табга биринчи ўқиш кунига қадам қўйган эдик. Ўшанда мактабимизда ўқув йили олдидан анъанавий йиғилиш бўлди.

Директоримиз ўқувчilar ва макtab жамоаси олдида чиқиш қилиб, "Ассалому алайкум, азиз ўқувчilar ва макtab жамоаси, барчала-

Бу вақт оралиғида турли кишилар томонидан мустақиллик ҳақида ҳар хил фикрларни эшитдик. Кимдир нолиса, яна кимдир ўз мамнунлигини айтар эди...

(Давоми 2-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

МУСТАҚИЛЛИК
САБОҚЛАРИ ВА
МУАЛЛИМ
МАҲОРАТИ

Мустақиллик
дарсларини ўтказиши
бўйича тавсиялар

3-бет

БОЛАНГИЗ
«ШУНЧАКИ БОЛА»
ЭМАС,

у энди
мустақил бола

4-бет

МУСТАҚИЛ ФИКРИ
ЎҚУВЧИ

ёхуд унинг
шаклланишида
тасвирий санъат
таълим мининг роли
хусусида

5-бет

ТҮГАРАКЛАР
ТАЪТИЛДА ҲАМ
ГАВХУМ

7-бет

YANGI DARSLIKLAR
VA QO'LLANMALAR
YANGI DASTUR
ASOSIDA

8-9-бетлар

КУН ТАРТИБИДА
ФАРБИЙ ТЯНЬ-ШАНЬ
ТАБИАТИ
МУХОФАЗАСИ

10-бет

"ОМЕГА"
КРОССВОРДИ

16-бет



AQShning O'zbekistondagi diplomatik missiyasi rahbarining o'rinnbosari Devid Maykl Reynert EXBS dasturi doirasida O'zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo'mitasini hamda Davlat chegaralarini himoya qilish davlat qo'mitasiga texnikaviy yordam tariqasida bir qancha texnika vositalarini topshirdi. Jami 3776 dona «Motorola» radiostantsiyasi hamda 708 antennani o'z ichiga oluvchi bu vositalarning umumiy qiymati 1 million 800 ming AQSh dollariga teng.

KICHKINTOYLARGA MAKTAB

Navoiyda Mustaqillik bayrami arafasida mahalla maktabgacha tarbiya maktabi tashkil etildi. Unda bolalar bir yil bepul o'qitiladi. Shu hududdagi 10-o'rta maktab ularni o'quv jihozlari bilan ta'minlagan bo'lisa, mahalla tomonidan alohida bino ajratib berildi. Kelgusida shahardagi 29 mahallada ham shunday maktab tashkil etiladi.

TOG'LIKLARGA MO'LJALLANGAN SEMINAR

O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot vazirligi Evropada xavfsizlik va Hamkorlik tashkilotining Toshkentdag'i vakolatxonasi bilan Hamkorlikda Boysun tumanida ikki kunlik seminar-trening o'tkazdi. Seminar uzoq to'g'qishloqlarida tadbirkorlikni rivojlantirishga bag'ishlandi. Navbatdagi shunday seminar-trening Oltinsoy, Denov, Sariosiyo tumanlarining uzoq tog'li qishloqlarida ham o'tkaziladi.

БОБОЛАР ҲАВАС ҚИЛГАН ЁРҚИН КЕЛАЖАК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун юртимиз ўзининг 12 йиллик mustaqillik bairamiga қизин тайёргарлик кўраётган бир пайтда, ўз вақтидаги "дийдиё"лар ёдга тушиб, кеча ва буғунни беихтиёр тақослагинг келади.

Мен 6 йил собиқ шуро даврида таҳсил олдим. Шу боис таълимдаги янгиланишлар, ўзгаришлар ҳақида бироз мулоҳаза юритишга ўзимни ҳақли деб биламон. Mustabid тузум макtablariда, биз ўзбек адабиёти дарсларида қалам билан бутун жаҳонни забт этган ҳазрат Навоий бобомизни ҳаминқадар, аммо рус адабиёти вакилларининг ижодини анча чукур ўрганар эдик. Энг биринчи мантиқсизлик, ҳақсизлик айнан шу ердан бошланади, десак хато бўлмас. Ахир, ўзбек адабиёти дарсида ўзга миллат адабиёти вакилларини ўрганиш қайси мантиқ қонунига тўғри келади. Тарих дарслари эса Русия тарихи билан бошланиб, СССР тарихи билан ниҳояланар, мен ўзбек боласиман деб юрган ёш авлод ўз миллатининг, ҳалқининг тарихини билмас эди. Булар-ку ўз йўлига, ўша вақтларда биз қишлоқ макtabinинг ўқувчilari у ёқда турсин ҳатто шаҳар макtabinинг ўқувchilari ҳам компютер тугул калькулятор каби энг оддий электрон ҳисоблаш машиналарини кўрганди, ўз ҳайратларини яшира олмасдилар.

Ўша вақтларда макtabни бити-

раётган акаларимиз "қанча бериб" ўқишига кириш ҳақида бош қотиришар ва шу талваса билан кунни кеч қилишарди. Табиийки, бу ҳолдан биз кичиклар ҳам ўзимизга хос хулося ясар ва онгимизда шу кўргуликларга рўпара келишимиз мумкинлиги ҳақиқидаги ўйларга кўпроқ жой берардик. Оллоҳга минг қатла шукрки, бизга бундай «тақдир» насиб қилмади. Олий ўкув юртига mustaqillik берган имконият — адолат мезони бўлган тест синовлари орқали қабул қилиндик.

Бир неча кундан сўнг республика миёсида mustaqilligimizning 12 йиллиги кенг доирада нishonlanadi. Ушбу 12 йил мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос ривожланиш, тараққий этиш йили бўлди. Шарқ ҳалқарида 12 раками азалдан муқаддас ҳисобланиб келинади. Йил номларини ўзида мужассам этган мучал ҳам 12 ном билан аталиб, 12 йилда ўз ниҳоясига етади. Буларда, албатта, ўзига хос рамзий маънолар бор. Шу боис жонажон ўлкамиз mustaqillikka эришганliginining 12 йиллик байramini uning murchal ҳам 12 nom bilan atalib, 12 yilda o'z nihoysiga yetadi. Bularda, albatta, o'ziga xos ramziy ma'nolar bor. Shu bois jonajon o'lkamizning 12 yillik bayramini uning muchal to'yi deb atagimiz keladi.

12 йил. Бу вақт ичida ўзбек давлати ҳаётида улкан воқеицлар, эврилишлар содир бўлди. Қанчадан-қанча бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ана шунча вақт муқаддам дунёning нариги бурчида кимгadir ўзбекман десангиз, янги бир

миллатни кашф қилган кишидек ҳайрат ичida елкасини қисувчи одамлар bugun ўзбек ҳалқи, Ўзбекистонликлар уларнинг жаҳон тан олган боболари, дунё илм-фан ривожига улкан хисса кўшган алломалари, шоиру жаҳонгирлари ҳақида ўз болаларига тушунча бермоқда. Булар mustaqillik шарофати эмасми?

Яқинда олис Оқтов бағрида жойлашган қишлоқлардан бирида тўйда бўлдим. Сочию соколида қора туклар деярли қолмаган, "шуро қатагонлари"ни ўз бошидан ўтказган кекса тогам сухбат асносида "Бу туш ҳам эмас, каромат ҳам эмас. Хурriyat эълон қилинишидан бир кун аввал ташқарида супада ётган эдим. Осмонни жуда кўп қора қузгунлар эгаллади, сўнг кунботар томонга ўтиб кетди. Кейин эса само оқ булултар билан қопланди. Уйғониб кетдим, осмонда ростдан ҳам оқ булултар сузиб юради.

Харчанд үйлаб, кўрган тушим не синоатдан дарак бераётганини топмадим. Аммо ўша туш эзгу воқеадан дарак берганини бир кун ўтиб, ҳалқимизга худо етказган Президентимиз Ислом Каримов хурriyatni эълон қилгандан сўнг англадим. Кўзимга ўш куйилиб келаверди. Ахир, бу mustaqillikni аждодларимиз озмунча вақт орзу қилган эдими. Бунинг учун қанча курашлар бўлиб, неча-неча бебаҳо одамлар, уламою олимлар шаҳид кетди. 20-

30-йиллар оралиғида биргина шу қишлоқдан 50 га яқин одам қатагон қилинди. Отам, амакиларим барчаси ўша қатагонда кетганча қайтиб келмади. Оллоҳнинг кароматини қарангки, Соҳибкорон Амир Темур айтгандек, "Юз минг отлик асар қиломаган ишни, бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин" экан. Ҳалқимизнинг mustaqillikni кўлга киритиш ва уни мустаҳкамлашдаги Президентимизнинг хизматларини унтишга ҳаққи йўк" деди кўзларида ўш билан. У кишининг кўз ёшлари армон ва шукрона йўғрилган кўз ёшлар эди...

Собиқ шуро замонида Тошкентда 30 йил ишлаб кетган бир киши "Мен аввали Тошкентни деярли тополмадим. Ҳамма нарса тубдан янгиланган. Кишини ҳайратга со-ловчи иншоотлар, йўллар, кўприклар ҳамма-ҳаммаси янги. Илгари ҳеч бир жойга бу қадар эътибор берилмасди. Мана, mustaqillik бизга бераётган инъомлар дея менга ўз ҳайратини ошкор этган бўлса, отам "Агар ҳозир сиз ёшларга берилаётган эътибор, имкониятлар бизнинг вақтимизда бўлганидами, биз шубҳасиз, шукрона айтиб ундан фойдаланган бўлардик. Сизларга ҳавасим келади", деб мендан ўз ҳавасини яширган эди.

Ҳа, биз ҳавас қиласа арзигулик замонда яшамоқдамиз. Бунинг бош сабабчиси mustaqillik.

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли

«ҲАМ УСТОЗ, ҲАМ ШОГИРД УМРИНИ КЎРДИМ...»



Бу дунё – ҳайрат меваси. Вақт – югурк. Тунов куни эди – мен илк ҳайратим – ёзган шеъримни муаллимимга кўрсатганим. У ҳаёлимда катта одам эди. Ҳамма нарсани биладиган, энг муҳими, билганини ўргатадиган. Ҳалиям шундай.

Нуробод туманининг Жом қишлоғида Сафар Турсуновни каттао кичик билади. Танинглар унинг ўқитувчи эканини ҳам билади, танимaganlар esa

ганимдек, менда ҳам муаллим бўлиш, ижодкор муаллим бўлиш истагини устозим Сафар Турсунов ўйғоттан. "Мехнат шуҳрати" ордени нишондори, моҳир педагог, "Вужудимни ёқар изтироб" шеърий китоби муаллифи С. Турсуновнинг устоз ва шогирдга муносабатини кўйидаги сўзларидан ҳам билиш мумкин: "Устозлар, Сизни чинорларга менгзайман. Чинорлар бехосдан кулласа, ер ларзага келади, замин титраб кетади, танимиздаги жон чўпчииди, жисмимиздаги қон оқиши тезлашади, юрақда ўпирилиш юз беради – ер йиглади, осмон йиглади.

Йикilmasincin chinorlari, chinorlar kulumasincin. Axir, ularning ёши minglari bilan sўzlashadi. Bu bor gap va tasallli bizi.

Иштадиганни ўқитувчи экани рост, ҳар хил маърака ҳам унингсиз ўтмайди. Алалхусус, С. Турсуновда юксак педагогик маҳорат бор. Ўқитувчи – ҳалқинг зиёли вакили, эл одами. Инсоннинг иккى эшик орасидан мақсадли ёки мақсадсиз ўтиши унинг илмига, илми ёки илмисизлиги эса устозига боғлиқ жараёндир. Шундай ўқувчilar учрайди, билим олишини истамайди. Деярли ўтиз беш йилдан бўён Жом қишлоғидаги 23-ва ҳозирда 24-мактабда ёш авлодга француз тилидан сабоқ берib келаётган Сафар Турсунов фаолияти давомида бундай ўқувчilarни кўп кўрди ва уларни тўғри йўлга йўналтира олди. Шаҳ (собиқ) ўқувчilar bugun buni mamnuniyat bilan eslashadi. Ҳатто туман, vilojat fann olimpiadalarida muvaqqatlikli qatnashib, sovrindor bўlgan yўkvchilar ҳам bor ular orasicida. Уларнинг ilmning қандай kuchga ega ekanimi anglaşlari, ўқituvchisining badiy ijdoga moyillligi kuchli ekani ҳam sabab bўlgani bor gap. Юқорида таъkidla-

Кўксим тоғ бўлади,
Тоғларга боқсан,
Бир насим урилар бағримга бай-бай!
Шогирдим, ҳамиша суюнган тоғсан,
Умрбод ҳузурда бу жоним ҳай-ҳай!
Эртани кунимдан кўнглигим тўқ, шукр,
Ворислар етишиб чиқмоқда дуркун.
Оллоҳдан тилайман омонлик, умр,
Шогирдим, сен учун куну тун!
Мудом ҳалоллик-ла бақамти юрдим,
Ҳам устоз, ҳам шогирд умрини кўрдим".

Қаюм TURFOHOB, собиқ ўқувчи, Нуробод туманинни 24-мактаб ўқитувчisi

Дўстлик туманинаги "Кабутар" болалар bog-chasiда 165 nafar kichkin-toylar tarbияlanmoqda. Bolalarning kuv-nab-yirab usishi sharoitlari учун бу erda zarur shart-sharoitlar yaratilgan. Bogcha ma'muriyati xonadon-boqchalari tashkil этиш бўйича ҳам яхши ishlar қilaётir. Dўstlik shaxridagi Xozi Kultoevlar xonadoniда bugun 18 nafar jazjhi bolakailar учун xonadon-boqcha faoliyat kўrsatajati.

Суратларда: 1. "Кабутар" balalalar bogchasi tiybbiёт ҳamshirasini Mashxura Nigmatxonova bolalarini tiybbiёт kўrirkidan ўtkazmoqda. 2. Bogcha bolalari mashgulotda.

Шавкат АКРАМОВ олган suratlari



Мамлакатимиз халқи ҳаётида энг муҳим ўрин тутувчи саналар бор. Улардан энг улуғи ва биз учун энг азизи 1-сентябрь — Мустақиллик куни байрамидир.

Бугунги ўқувчи-ёшлар қалби, онги ва шуурида она-Ватанимизга меҳрумұхабbat, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ва эхтиром, миллий истиқолол ғояларига садоқат түйгүларини камол топтиришда умумий ўрта таълим мактабларида ўтказылған мустақиллик дарсларининг ўз ўрни ва аҳамияти каттадир.

Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларда ўтказылған Мустақиллик дарслари мавзуси ўқувчиларнинг ёши, иқтидори ва қобилиятiga мос мавзулар таңланиши, мағнолотлар жонли ва табиийлик касб этиши ғоят мұхимдир. Чунки бу ўшдаги болалар ўз қызықувчанлиги ва хотирасининг ўткирлиги, күрганлари ва әшитганларини әслаб қолиш қобилиятининг юқсақлиги билан ажралиб турдилар. Шу боис, Мустақиллик байрами ва Мустақиллик дарслари ўқувчи-ёшлар хотирада абадий сақланиб қоладын тарзда ва вазиятда ўтказылышы мақсадға мувофиқдир.

Мустақиллик дарсига таълим мұасаси жойлашкан манзилдаги маҳалланинг энг обрўли кишилари, отоналар ва жамоатчилик вакилларини таклиф этиш лозим.

Мустақиллик дарси барча таълим мұасасаларда Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадхиясини күйлаш билан бошланади.

Мустақиллик дарсларыда, албатта, мустақил Ўзбекистоннинг Давлат рамзлари ҳақида ҳам сўз кетади.

1-синф ўқувчиларига Юртбошимиз томонидан кўрсатиладиган фамхўрликлар алоҳида таъкидланади. Уларга Президент совғаси сифатида барча дарсларидан 12 турдаги ўкув куролларининг тарқатилишини мисол сифатида айтиб ўтилади.

Дарс жараёнда «мустақиллик» сўзининг маъноси, унинг ҳалқимиз ҳаётида тутган ўрни, Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллиги даврида давлатимизнинг жаҳонга юз тутганлиги, айниқса, соғлом авлодни камол топтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида савол-жавоб ёки сұхбатлар, баҳс дарслари, саҳналаштирилган кўринишлар ўюштирилади. Бу дарсларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишда бошланғич синф ўқувчиларига «Ватан менинг тасавvurimda» мавзусида расм солишлини таклиф этиш мумкин. Шу куни чизилган энг яхши расмлардан мактаб залларида кўргазма ташкил қилиш ҳам болаларни рабbatlanтирища таъсирчан воситадир.

Маълумки, Мустақиллик дарслари куий синфларда (1-4) синф раҳбарлари томонидан ўтказилса, юқори синфларда (5-9, 10-11) турил фан ўқитувчилари томонидан ташкил эти-

лади. Бундан келиб чиққан ҳолда мазкур дарсларни ҳар бир предмет ўқитувчиси ўзи таълим берадиган фан хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндашиши, мустақиллик йилларида у ёки бу фан бўйича эришилган ютуқларга асосий эътиборни қаратиши лозим бўлади.

Ўқитувчи дарс мавзуларини ўқувчиларнинг ўш хусусиятларидан келиб чиққиб танлаши уни таъсирчан ва мазмунли ташкил этиш ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ.

Мустақиллик дарсларини 5-6-синфларда «Гулла, яшна, жонажон Ватан» мавзуси атрофида ўқувчилар-

аллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Шунингдек, 5-6-синфларда «Ватан туйғуси» кўлланмасидаги «Ўзбекистон давлати ва Президенти», «Ватанимиз тимсоллари», «Биз буюк тарих эгасимиз», «Миллий давлатчилигимиз»; 7-9-синфларда «Миллий истиқололғояси ва маънавият асослари» ўқув кўлланмасидаги «Ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғуси», «Мустақиллик ва маънавият» каби мавзулар материалларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Маълумки, Президент Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясида «Ўзбекистонда

фанида «Конституция давлатнинг асосий қонуни» мавзусидан, 10-11-синфларда «Хуқуқшунослик» фанида «Хуқуқий маданият ва хуқуқий онг», «Истеъмолчилар хуқуқлари» мавзуларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда эришилган ижтимоий иқтисодий ва сиёсий ютуқлардан мисоллар келтириш керак. Бошланғич синфларда «Мехнатдадир кўп ҳикмат», «Мехнат — меҳнатнинг таги роҳат», 5-6-синфларда «Ўзбек модели нима?», «Оила иқтисодиёти», «Мактаб иқтисодиёти», 7-9-синфларда «Иқтисодий тизимлар», «Давлат ва иқтисодиёт», 10-11-синфларда «Истеъмолчи ва унинг хуқуқлари», «Истемолчининг ҳар хил иқтисодий тизимлардаги мавқеи», «Иқтисодиётнинг хозирги ўтиш даври» каби мавзулардан фойдаланиш тавсия этилади.

Маълумки, миллий истиқолол мағкураси — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамоилларига таянади. Миллий истиқолол мағкурасининг асосий ғоялари: Ватан равнаки, юрт тинчлиги, халқ фаронлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тутувлик, динлараро бағрикенгликтан иборатдир.

Ушбу фанлар йўналиши бўйича ташкил этиладиган дарсларда жонажон Ўзбекистонимиз унда яшаётган барча миллат ва әлат вакиллари учун ягона ватан эканлиги, «Шу азиз Ватан барчамизни!», деган фикр замирида айнан шу маъно мужассамлиги ўқтириб ўтилади. Бу фоя ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турил миллат ва әлатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир.

Ўзбекистоннинг Мустақиллик йилларида амалга оширган ишлари асрга татиғулиқдир. Ҳалқимиз томонидан бажарилган бунёдкорлик ишларини республикамизнинг ҳар бир гўшасида, даҳаси ва вилоятларида, туман ва шаҳарларида кўриш мумкин.

Мустақиллик дарсларига тавсиялардан тарбиячилар ва ўқитувчилар ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ижодий фойдаланишлари тавсия этилади.

Бир сўз билан айтганда мустақиллик дарсларини юқори самарадорлик ва таъсирчанлик асосида ташкил этиш ўқитувчининг сиёсий етуклиги, билими, методик маҳоратини бўлгиловчи омилдир. Ўз ўқувчилари олдида мустақиллик дарслини амалга ошириш топширилган ҳар бир ўқитувчи ўз олдига кўйилган масъулиятни чукур англаш, изланиш ўз олдига аниқ мақсад қуиши, ўз фаолиятидан ички қоникиш ҳосил қилиши керак.

Республика таълим маркази

МУСТАҚИЛЛИК САБОҚЛАРИ ВА МУАЛЛИМ МАҲОРАТИ

Мустақиллик дарсларини ўтказиши бўйича тавсиялар

нинг Ватан ҳақидаги тушунчаларини бойитиш, Ватанга муҳабbat ва садоқат каби фазилатларни улуғлаш каби мақсадлар устувор бўлиши керак.

Юқори, 8-11-синфларда эса мустақиллик дарсларини ўтишда қуидаги асосий масалаларни ёритишига эътибор берни лозим:

1. Мустақиллик ҳалқимизнинг асрий орзуси.
2. Хуқуқий демократик давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари.
3. Иқтисодий ислоҳотларнинг ўзиға хос тамоиллари.
4. Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш; миллий истиқололғояси.

Бу мавзуларни ёритишида ўқитувчилар куйидагиларга эътибор қаратишлари керак. 1990 йил 20 июня иттифоқдош республикалар ичидан биринчи бўлиб Ўзбекистон «Мустақиллик декларацияси»ни қабул қилди. Мустақиллик декларацияси Ўзбекистонни мустақиллиги сари ташланган жуда муҳим ва салмоқли одим бўлганлиги, дунёда яна бир мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиши ташкил қилиш бўйича дарс соатлари ажратилган. Мустақиллик дарсларида бошланғич синфлардаги «Конституция алифбоси» ўкув кўлланмасининг куйидаги мавзуларидан фойдаланиш тавсия этилади. «Конституция баҳтимиз қомуси», «Давлатимиз рамзлари», «Қонун» каби мавзулардан 5-6-синфларда «Конституция ва бизнинг хуқуқларимиз», «Инсон эркинлиги меъёри», «Адолат ва хуқуқ», 8-синфларда Ўзбекистон Давлати ва хуқуқи асослари фанида «Конституция ва қонунларнинг устуворлиги биз барпо қилаётган давлатнинг асосий тамоилларидан бири» мавзусидан, 9-синфда «Конституцияий хуқуқ асослари»

мустақиллик дарслари учун ташланган мавзуларни ёритишида бошланғич синфларда «Одбонома» ўкув кўлланмасидаги «Истиқолимиз ва истиқболимиз асосчиси», «Ватан туйғуси, миллий фурур ва ифтихор билан яшаган боболар» каби матери-

демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маъруzasida республикамизнинг йиллар давомида босиб ўтган йўлларига назар ташлаб, таҳлил қилди ва демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш асосида мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари ва тамоилларини белгилаб берди. Президентнинг бу мавзудаги маъруzasidan кенг фойдаланиш керак.

Бугунги кунда ўшларимизнинг хуқуқий маданиятини шакллантириш уларнинг хуқуқий саводхонликларини ошириш мақсадида умумтаълим мактабларидан 1-7-синфларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиши ташкил қилиш бўйича дарс соатлари ажратилган. Мустақиллик дарсларида бошланғич синфлардаги «Конституция алифбоси» ўкув кўлланмасининг куйидаги мавзуларидан фойдаланиш тавсия этилади. «Конституция баҳтимиз қомуси», «Давлатимиз рамзлари», «Қонун» каби мавзулардан 5-6-синфларда «Конституция ва бизнинг хуқуқларимиз», «Инсон эркинлиги меъёри», «Адолат ва хуқуқ», 8-синфларда Ўзбекистон Давлати ва хуқуқи асослари фанида «Конституция ва қонунларнинг устуворлиги биз барпо қилаётган давлатнинг асосий тамоилларидан бири» мавзусидан, 9-синфда «Конституцияий хуқуқ асослари»

мустақиллик дарсларини юқори самарадорлик ва таъсирчанлик асосида ташкил этиш ўқитувчининг сиёсий етуклиги, билими, методик маҳоратини бўлгиловчи омилдир.

Ўз ўқувчилари олдида мустақиллик дарслини амалга ошириш топширилган ҳар бир ўқитувчи ўз олдига кўйилган масъулиятни чукур англаш, изланиш ўз олдига аниқ мақсад қуиши, ўз фаолиятидан ички қоникиш ҳосил қилиши керак.

ИСТИҚЛОЛ ҚИЗЛARI — ЮРТ ИСТИҚБОГИ

кофотлар, турли стипендиялар, кўкрак нишонлари бор. Шу вақтгача республикамизда 400 дан ортиқ жамоат ташкилотлари тузилган бўлса, 91 тасининг фаолияти айнан аёллар муаммолари ва масалаларини ечиш ҳамда манфатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бирор, бу борада ечилиши керак бўлган муаммолар ҳам бор. Масалан,

оила ва никоҳда, аёллар ишсизлигига, саломатлигига ва бошқа соҳаларда. Бу ҳолатларни бартараф этишида асосан жамиятимиз фаол ижтимоий қатламининг масъулияти бор. Бундай мукофот соҳибларини тўплашдан асосий мақсадимиз ҳам интеллектуал салоҳиятли, фаол, ёш хотин-қизларни янада бирлаштириш, ҳамкорликда иш

олиб боришиларига шароит яратиб бериш ҳамда уларнинг зиммасида улкан масъулияти борлигини яна бир бор эслатиб ўтишдир, — дейди биз билан сұхбатда тадбирда иштирок этган Республика хотин-қизлар қўмитаси раисаси Дилбар Гуломова.

Аёл дардини аёл тушунади, деганларидек, бу анжуманда ҳам тўрт йил давоми-

да Зулфия номидаги мукофотни қўлга киритган қизлар ва бошқа турли мукофотлар соҳиблари аёлнинг жамиятидаги фаоллигини ошириш, бу борадаги ишларда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида ўзаро музокара қилдилар. Улар анжуманда иштирок этган мутасадди раҳбарлар билан муаммоларни ҳал қилишга қаратилган таълиф ва ечимларни ишлаб чиқдилар ҳамда истиқболдаги режаларни тузуб олдилар.

**Шерзод АҲМАТОВ,
“Ma'rifat” мұхбари
Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган сурат.**

Bolangiz maktabga tayyormi?

Учинчи мингийилликнинг боласи қандай сифатларга эга бўлмоғи керак? У соглом, ҳар томонлама ривожланган, мактабга борганида ўқиши биладиган, дастур талабари га жавоб берадиган, мустақил фаолиятга эга бўлиши керак.

Бола 3-4 ёшга кирганида унинг ақлий тараққиёт боскичи анча тараққиёт этган бўлиб, сизнинг топширикларинизни онги равишда бажариш уқувига эга бўлади. Масалан, тонгда оила аъзоларига салом бериш, нонушта учун тайёргарлик кўришда катталарга ёрдам бериш бола учун уччалик қийин эмас, лекин бола бола-да, гоҳида унинг кўлидан пиёла ёки ликопча тушиб кетиб синиши мумкин. Бундай пайтларда ота-она, катталар ўзларини вазмин тутиб, боланинг изтироб чекишига йўл кўймасликлари, уни тинчлантириб, ишини давом эттириш учун имконият беришлари керак. Болага бериладиган топшириклар астасекин мураккаблашиши, энди у тушлик ва кечки овқат учун керакли

бўлади. Ҳар қандай ишнинг меъёри бўлганидек, болаларни сурункасига ўйлашга мажбур қилмаслик керак.

Мустақил фаолиятни юзага келтириш учун эслаш, хотирлаш мухим аҳамият касб этиб, болани тетикилаширишга таъсир этади. Буюмларининг катта-кичлиги, қаттиқ-юмшок, баланд-пастлиги, тор-кенг эканлигини эслайди ва кўрганларига мисоллар айтади.

Бадиий адабиёт бола фаолиятида мухим тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги барчамизга маълум, лекин уни болалар онгида из қолдириш учун ўқуб ёки сўзлаб бериш жараёнида болаларда ихтиёрий диккатни барқарорлашириш лозим. Бадиий адабиёт орқали болага Ватан, миллат, ўз худуди, маҳалласи, кўча ва уй ҳақида тушунча бериб, сұхбат қилиб, миллий фурур хиссини пайдо қилиш фойдалидир.

Аслида бола ҳар ишга қодир ва қобилдир. Фақат унинг дилидаги истакларни пайқаб, унга тўғри муносабат қилиш, руҳиятини кўтариш, фаолликка йўллаш лозим. Болалар орасида "кичик ихтирочилар" тез-тез учраб туради. Масалан, оддийгина лойдан улар нималар ясамайди, дейсиз? Сиз-биз кўрмаган кемалар, ракета ва бошқа кўпгина нарсаларни маҳорат билан ясад, курдилар. Шундай пайтларда ота-оналар кўли лой боласини кўриб койидалар, ишни чала қолдириб, кўлини ювишини талаб қиладилар. Мактаб ўкув дастурида лой ва пластилин билан ишлаш бўлими бор. Болашуларни аввалор, яъни мактабга боргунга қадар ўрганиб олса, бунинг нимаси ёмон? Бола қурсин, ясасин, ижод қилин, бу жараёнилар уни мустақил фаолиятни егаллаганигидан дарак беради. Айнан шу фаолият қадрланади.

БОЛАНИГИЗ “ШИНЧАКИ БОЛА” ЭМАС,

У ЭНДИ МУСТАҚИЛ БОЛА

идишларни столга қўшиши, овқатдан сўнг уларни йиғиб олишда яна катталарга ёрдам берishi керак. Болада бундай вазифаларни бажариш жараёнида масъулиятни ҳис этиш, иродали бўлиб иш тутиш кўнилмалари аста-секин шакланиб боради.

6-7 ёшли бола ҳовлиларни супуриш, чангларни артиш, гулларга сув қўшиш, товук, жўжаларга дон бериш каби ишларни қизиқиш билан бажаради. Мустақил бажарган ишидан мамнун бўлади. Ҳар куни бола бажарган ишларга баҳо бериш, уни мақташ, маъқуллаш боланинг харататлари ошишига ёрдам беради. Ҳамма болалар ҳам биз истаганча топширикларни жон-дили билан бажаравермайдилар. Тунд болалар ишёқмас бўладилар. Бундай болалар билан алоҳида шугулланишга тўғри келади. Уларда озгина бажарган ишлари учун ишонч ўйғотиш, энг осон вазифалар бериб, рағбатлантириш таълим-тарбияда мухим аҳамият касб этиб, бундай болаларни жамоа ичиди фаолият кўрсатишга тайёрлаш лозим.

Машғулотларни тез-тез алмаштириб туриш болаларни зерикиш ва зўриқишидан асрайди. Болада теварак-атрофни кузатиб, ундан эстетик завқ олиш малакасини ҳосил қилиш фойдалидир. Айниқса, бола мактабга чиққунга қадар турли рангларни фарқлашга ўрганиши, гапиргандага рангларни ифода этувчи сўзларни нутқда ишлатишга одатланиши керак. Кўрганларини эсидан чиқармаслиги учун унга қофоз бериб, билганича тасвирлашга ўргатиш бола фаолияти учун зарур ишлардан биридир. Болани мушоҳада қилишга чорлаш, фикрини тўплаб жавоб беришга ўргатиш, саволлар бериб, жавобларини узвий равишида айтиб беришга имкон бериш лозим. Айрим болалар ҳатто 4-5 дақиқа ўтса ҳам гапириб бера олмайдилар. Бундай пайтларда болани асло шоширмаслик керак. Бола, албатта, жавоб беради, деб кутиш, сабр билан уни сўзлашга ундаш лозим. Тарбияда дадла бериши усули мухим хисобланади. Иложи борича бола эркин қўйилса, қандай гапирса ҳам маъкуланса, секин-аста байрон гапиралигидан бўлади.

Мустақил фаолият боланинг ички ҳолати, руҳияти билан боғлиқ бўлиб, мия ярим шарида қўзғалишнинг маромида бўлиши ёки ҳаддан ташқари берилиб ўйлаш натижасида зўриқишиш пайдо бўлишига сабаб

6—7 ёшли болалар мактаб бўса-фасида турганигина ҳисобга олиб, мактаб ўкув дастурида бериладиган билимларга яқин бўлган тушунчаларни аста-секин сингдириб бориш лозим. Масалан, бола ҳар куни 4—5 та янги сўзни ўзлаштириб, нутқида кўллашини ўргатиш керак.

1-синфда болага хат-савод ўргатиш даври таълим тизимида энг мураккаб жараёнидир. Чунки ўқитувчи бирйўла 30-40 болани икки чорак мобайнида ўқиш, ёзишга, санаш каби қатор билимларга эга қилиши лозим. Фараз қилинг-га, агар айрим бола мактабга мутлақо тайёрланманган бўлса, синфдаги бошқа фаол ўкувчиларга ҳам салбий таъсир этади. Шунинг учун ота-оналар боланинг нутқини ўстиришга, товушларни тўғри талаффуз эттиришга алоҳида ўтибор билан қараб, агар нутқида нуқсони бор болалар бўлса, мактабга боргунга қадар уни мутахассис ёрдамида тузатишлари лозим. Болани тасаввур қилиш, фараз этишга ўргатиш осон кечмайди. Ҳали унда бу малакалар шаклланмаган. Лекин секин-аста уни ўйлашга, муаммони ўзича ҳал этишга йўллаш мумкин. Нима учун фасллар алмашади? Нега ёзда кунлар иссик бўлади ѿзида совуқ бўлади, деган саволларга бола билганича жавоб берса, катталар уни тўлдириб боришлари мумкин.

Боланинг мъянан тараққиёт этиши учун оиланинг, болалар боғчаларининг роли мухимдир. Одоб-ахлок қоидаларига риоя қилишлари, "сиз-лаб гапиришга, "оийжон", "дадажон", "опажон", "акажон" деб муомала қилишга ўрганишлари қандай яхши!

Хуқуқий тарбия бериш ҳам кичик ўшдан бошлангани маъқул. Тартиб-интизомга риоя қилиш, дўстлик-ўртоқлики қадрлаш, "яхши" ва "ёмон" тушунчаларини фарқлаш, ўзини бошқара билиш, ўзининг ва ўртоқларининг ишларига баҳо бериш, ёлғончилик, кўрқоқлик ёмон одат қилиш каби фазилатларни сингдириш боланинг кейинги фаолияти учун ниҳоятда зарурдир.

Болада ихтиёрий диккатни тарбиялаш ва барқарорлашириш энг зарур ишлардан биридир. Чунки диккати тарқоқ болалар билан ишлаш жуда қийин. Бундай болалар билимларни ўзлаштириб ултурмайдилар. Натижада мактабга боришни ҳам истамай баҳона излайдилар.

Мантиқий тафаккур қилиш фаолиятини ҳамда хисоблаш малакасини ўстиришга доир амалий машҳарларни ҳар куни кузатувлар, сайрсаҳатлар давомида амалга ошириш фойдалидир.

— Атрофга қара, нечта дарахт бор?

— Қайсилари баланд, қайсилари пастроқ?

— Тўрт бурчакли предметларни кўрсат.

— Доирага ўҳшаган нарсаларнинг номини айт —

каби топшириклар болаларни изланишга ундан, мактаб ўкув дастурига тайёрлади, яъни улар 20 гача санайди, катта-кичик предметларни фарқлади. Сон билан масофа буюмларининг шакли ва ўлчам орасидаги алоқадорликни амалий машҳулар жараёнида ўзлаштириб олади.

Болаларни мактабга тайёрлаш ишларида ўзувни ўргатиш мухимдир. 1-синфга келган айрим ўкувчилар ҳали қалам, ручка ушлашни билмай қийналадилар. Болаларнинг кўл панжа мускуларини турли машҳулар ёрдамида ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш лозим. Ота-оналар болага дастлаб ҳарфлар ўргатиб, ёзиши талаб қилишади. Бу нотўри, хат-савод ўргатиш ишларини бола мактабга келгач, ўқитувчи ўргатгани маъқул.

Ўлкамиз табиий ашёларга жуда бой. Болаларга уларни йиғиши янада завқли. Турли гуллар, майдо тошлар, новда, уруғлар, қўйинг-чи, ҳамма нарсадан чиройли нарсалар ясаш мумкин. Мактаб ўкув дастурида кўл меҳнати алоҳида ўрин тутади. Кўл меҳнатини "бадий ижод" десак ҳам бўлади. Чунки бола бу нарсалардан ўз диidi, фаросати билан кишини буюмларидаган буюмлар ясай олади. Ясаган саватчаси ёки гулдонини буви, буваларига совфа қилса, қандай яхши! Бола меҳнати самарасини кўрса, унинг учун бу катта ютуқ. Ясаган нарсаларини кўргазмаларга тавсия этиш эса ундан ҳам яхши!

Хулоса шуки, болаларни мактабга тайёрлаш ишлари қанча кенг ва мазмунли ўтса, у 1-синфда ўз тенгкорлари билан рақобатлашиб, яхши ўқиб кетишига муввафқа бўлади. Бу жараёнларни кўриш эса ҳар бир ота-онага насиб этишини тилаймиз.

**Кумри АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори,
профессор**

ОТА-ОНА ТАЛАБИ УСТУВОР

Болалик-пошшолик деб бежиз айтилмаган. Болаликнинг ҳар куни байрам. Чунки бу беғубор қалб эгалирига ҳаёт қувонидан баҳраманд бўлишдан ўзга ташвиш йўқ. Галлаорол туманидаги 5-“Учқунча” мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларига ота-оналар янги чойшаб, ёстиқ, кўрпа жилди совға қилди. Тоза ва янги кўрпа-тўшакда ётиш болалар учун мазада. Ота-оналарга эса фарзандлари қувончи, кулгусини кўришдан каттароқ баҳт бўлмаса керак.

— Ота-оналарнинг ҳомийлиги, боғчамиз билан ҳамкорлиги азалдан мустаҳкам, — дейди боғча мудириси Нинигул Тоҷибоева. — Улар бундан олдин ҳар бир болага биттадан пластмасса столчалари совға килишган. Хоналарни безаб турган ойнага ҳарир пардаларни ҳам ота-оналар олиб беришган. Турли тадбир ва байрамларнинг қизиқарлиги ўтишида ҳам уларнинг ўрни катта. Ўз навбатида жамоамиз ҳам уларнинг ишончини оқлаш учун бор маҳоратларини ишга солишмоқда.

Maktabgacha ta'lim muassasalarida



Дарҳақиқат, боғча жамоаси кичкинтойларни шу кун талаби даражасида тарбиялаш учун астойдил изланмоқда. Ҳозир бу ерда 130 нафар бола тарбияланаяпти. Шуниси диккатга сазоворки, бу ерда ҳар бир ота-она тарбиячини танлаш хукуқига эга. Шу маънода болаларни тарбиялашда бир мунча эркинлик жорий этилган. Айтайлик, ота-оналар ихтиёри билан бир оиласдан келган ака-ука, опа-сингиллар бир гурухда тарбияланни мумкин. Кейинги пайтда бу усул ота-оналарга манзур бўлаяпти.

Боғчада ҳар бир гурухнинг ўз павильони бор. Бунда машғулотлар ўтиши жараёнида бир хиллиқдан узоқлашилади. Айтайлик, оддий ўйинчоқ автобусда шаҳарга саёҳат машғулини ўтказилади. Бунга бола автобуснинг вазифаси нима, унга чиқишида нималарга эътибор бериш керак, йўл ҳаракат қоидалари, светофор, йўл ҳаракатини тартибига солувчилар ҳақида билб оладилар. Ноањанавий машғулотлар ўтказишида Манзура Буқанова раҳбарлигидаги кўғирчоқ театрининг ҳам таъсири бор. Кўғирчоқлар ёрдамида оддий томошалар кўрсатиш эмас, ўйинлар ёрдамида болаларда мардлик, тўғрисўзлик, кўрқмаслик, Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, дўстга садоқат, тарих ва ўтмишга қизиқи ҳислари ўйғотилмоқда.

Албатта, кичкинтойларнинг соғлом ва бақувват бўлиб ўсишида спортнинг ўрни бекиёс. Жисмоний тарбия ўқитувчиси, кураш бўйича спорт устаси ТемурFaффоров буни яхши билади. Болалар ўртасида ҳалқ ва миллий ўйинларга қизиқи кучли. Спорт тўғаракларида болаларнинг ёши ва имкониятига ҳар турли спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Айниқса, мавжуд 2 та бассейнда кичкинтойлар мириқиб чўмилиб, сузиш сирларини ўрганишайти.

Болалар қадди-қоматини ўстириш, мускулларни ривожлантиришида рақснинг ҳам ёрдами катта. Рақс тўғараги раҳбари, мусиқа ўқитувчиси Шуҳрат Йўлдошев ва Рухия Холмирзаева асосиги эътиборни шунга қарашмади. Рақс сирларини ўзлаштириб бораётган кичкинтойлар турли тадбир ва байрамларда тенгдошлирига ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда.

Кичкинтойлар шўх-шодон ўйин-кулгусини кўриб, боғчада болаларнинг эркин ҳаракат қартилаётганлигига амин бўламиз. Болаларни эркин ҳаракат орқали бошқариш ҳам ўзига хос ижобий жараён.

**Абдулсаттор СОДИКОВ,
“Ma'rifat” мухбари**

Юртимиз таълим тизимида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" татбиқ этила бошлиши шарофати билан барча таълим муассасаларимизда туб ўзгаришлар рўй бера бошлади. Махсус мухбиримиз яқинда Термиз тиббиёт коллежида бўлиб, бир қатор ибратли ишларни ўрганиб қайтди.

ТИББИЁТ ҲАМ МАЊНАВИЯТДАН БОШЛАНАДИ

Термиз тиббиёт билим юрти аслида бундан салкам 40 йил бурун ташкил этилган бўлса-да, унинг баҳти бекам онларининг бошланганига эндиғина 12 йил бўлаяпти. Гапнинг бўлар жойидан айтадиган бўлсак, истиқол Термиз тиббиёт билим юртига ўзгача бир чирой, жаҳон стандартларига мос таълим ва тарбия баҳшида этди. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг ҳаётга татбиқ этилиши шарофати билан сабик тиббиёт билим юртига коллеж мақоми берилди. Барча шарт-шароитларга эга бўлган, ақл бовар қиласи чироили бинолар қурилиб, ўкувчи-ёшлар ихтиёрига берилди.

Айни кунда Термиз тиббиёт билим юртида 3 нафар фан доктори, 7 нафар фан номзоди, 120 нафар малакали устозлар 2058 нафар ёшларга тиббиёт соҳасининг сир-асрорларини ўргатмоқдалар.

— Тиббиёт ҳам мањнавиятдан бошланади. Бир сўз билан айтганда, тиббиёт ходими мањнавий жиҳатдан мумкаммал бўлмоғи керак, — дейди коллеж директорининг ўринbosари Янгиб Файзиев. — Худди ана шу қоидага амал қилган ҳолда, ўкувчиларимизнинг мањнавий савилярни ўстиришга алоҳида эътибор қарратмоқдамиз. Бу борада алоҳида дастур ишлаб чиқсанмиз.

Шу нарсани алоҳида айтиб ўтиш керакки, Термиз тиббиёт коллежида ташкил этилган мањнавият хонасида ўзи-

безатилган бўлиб, кўргазма ва илмий манбаларга бой.

КОЛЛЕЖНИНГ ТЕСТ МАРКАЗИ

Ўтган йили жамоанинг саъй-ҳаракатлари билан коллеждаги мавжуд компьютер хонаси қайта тўлиқ жиҳозланниб, "масоғадан узатиш" тизимлари жорий этилди ва коллежда замонавий тест

Kasb-hunar kollejlarida

терлаштирилган.

— Лаборатория хонангиздаги мавжуд жиҳозларнинг умумий суммасини биласизми? — деда сўрадим лаборатория мудираси Маҳбуба Алламуродовадан.

— Ҳа, биламан, — дейди Маҳбубаҳон. — Лабораториядаги жиҳозларимнинг умумий нархи беш юз миллион сўм.

Мана, сизга натижада! Мана, сизга Термиз тиббиёт коллежининг биргина кимё ўкув лабораториясини жиҳозлаш учун сарфланган маблағ.

— Натижалардан гапиринг. Ўкувчилар кимё фанидан амалий машгулотларни яхши ўрганишайтими?

